

# ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ  
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,  
ФАЛСАФИЙ - ХУКУҚИЙ ЖУРНАЛ

1  
2020

**FALSAFA va HUQUQ**  
**ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО**  
**PHILOSOPHY and LAW**

# ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал  
2020/1 (№15)

*Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.*

*Барчамиз бир тану бир эсон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.*

*Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аجدодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**

## Таҳрир хайъати:

**Б.Т.Тўйчиев** –  
ф.ф.д., профессор

**Ж.С.Раматов** –  
ф.ф.д., профессор

**Г.Т.Маҳмудова** –  
ф.ф.д., профессор

**Й.О.Жўраев** –  
ю.ф.д., профессор

**М.Н.Абдуллаева** –  
ф.ф.д., профессор

**Қ.Н.Назаров** –  
ф.ф.д., профессор

**Р.Ж.Рўзиев** –  
ю.ф.д., профессор

**Бош муҳаррир:**  
**А.Г.Муминов** –  
с.ф.д., профессор

М у а с с и с: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,  
Университет кўч., 4.

[www.falsafavahuquq-jurnal.nuu.uz](http://www.falsafavahuquq-jurnal.nuu.uz)

E-mail: [falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz](mailto:falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz)

Журнални нашрга тайёрловчилар  
**Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев**

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ****Равшанов А. С.**

- ТИҚХММИ катта ўқитувчиси,

Дунё глобаллашиб бораётган ҳозирги даврда жаҳон майдонларида рўй бераётган турли воқеа ва ҳодисалар, мафкуравий полигонлар ва майдонларда ишлаб чиқиладиган ҳамда бизга ёт ва бегона бўлган бузғунчи ғоялар ва вайронкор мафкуралар таҳдиди ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги фаолият кадрлари ва аҳамиятининг сезиларли даражада ошиб бораётгани, бу йўналишдаги вазифаларнинг янада долзарбланишидан далолат беради. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.”

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуқлигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукамал англаб олганликларига ҳам бевосита боғлиқ экани шубҳасиз. Мустақил фикрлай оладиган, дунёқараш ва тафаккури кенг ҳақиқий инсонлар давлатимиз ва халқимиз келажагини белгилайди. Бу эса, ана шунга мос бўлган жисмоний соғлом ва маънавий баркамол бой ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим муаммолари сирасига киришининг сабаларини белгилайди. Тез ўзгараётган ва шиддат билан одимлаётган ҳаётнинг ўзига хос талаблари давлатдан бу соҳада ҳам омилкор ва фаол ислохотчи бўлишни талаб қилмоқда. Ушбу йўналишдаги серкиррафаолиятида ҳаёт талабларига жавоб бериш ва давр билан ҳамқадам бўлиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш, истиқболдаги устувор вазифаларни аниқ-тиниқ белгилаб олиш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича изчил чораларни кўриш масалалари ҳам долзарбланиб бормоқда.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор муносабатлари чуқурлашуви, демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши билан бугунги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос замонавий тафаккурни шакллантириш масаласи янада долзарбланиб бораётганидан далолат беради.

Бундай серкирра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топишнинг долзарблиги мамлакатимизда янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, ҳуқуқий қарашларининг замонга мос тизими таркиб топиши сингари вазифаларни амалга ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида ёшларни янгиланиш ва ворисийлик тамойиллари асосида тарбиялаш, уларни тарихийлик ва замонавийлик анъаналарини яхши англайдиган кишилар қилиб етиштириш, шахс сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи ушбу соҳадаги фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида мамлакат келажаги ва тараққиётини кўп жиҳатдан белгилаб беради ҳамда шу аснода, ёшларнинг ҳар томонлама салоҳиятли бўлиб тарбияланиши, уларнинг муайян касб-хунар ёки соҳанинг устаси бўлиши учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Шу муносабат билан, 2016 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини аниқ-тиниқ ифодалайди. Унда бугунги кундаги долзарб вазифаларни изчил ва тизимли равишда, босқичма-босқич амалга ошириш йўллари аниқ кўрсатилиб, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш ва ҳукумат томонидан ёшларга доир қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни янгиланиш ва ислохотлар жараёнига мос равишда, босқичма-босқич амалга ошириш;

- ёшлар сиёсатини юритувчи давлат ва нодавлат тузилмалари тармоғини кенгайтириш ва такомиллаштириш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини кучайтириш;

- Ўзбекистоннинг буюк келажигини куриш йўлида ёшларнинг ижодий имкониятларини тўлароқ намоеън этишлари учун қулай шарт-шароитлар тратиш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- ёшларни сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёшларнинг ўзларини кўпроқ жалб этиш, улар ташкилотчилик ва ташаббускорлик қўникмаларини шакллантириш.

Ушбу соҳадаги вазифаларни бажариш борасида давлат ёшлар сиёсатини амалга оширадиган, аввало, миллати, ирки, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар, ёш авлодга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, миллий-маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаларини таъминлаш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиши кабилар қонунда белгилаб қўйилган. Унда ёш авлод ҳаётига оид дастурларни ишлаб чиниш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирокини таъминлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини знада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 – августда қабул қилинган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, унда таъкидланганидек, мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида “Ёшлар – келажакимиз” Давлат дастури қабул қилинди. Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, Қарорда бошқа бир қатор жиҳатлар билан бир қаторда, (бу борада миллий ғоялар тизимининг антисубстанционаллашиш жараёни қандай рўй бераётганини яққол кўрсатадиган) айрим муаммолар сақланиб қолаётганлиги ҳам қайд этилган. Хусусан:

**биринчидан**, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

**иккинчидан**, миллий ва умуминсоний кадрларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан мурасимликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

**учинчидан**, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-қўнғилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғрақлари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**тўртинчидан**, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

**бешинчидан**, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

**олтинчидан**, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

Бугунгидек глобаллашув даврида бу тахлит омиллар шунга олиб келиши мумкинки, ушбу йўналишда муайян мафкуравий иммунитетга эга бўлмаган ёш инсон ягона мақсад ва умумий идеалларига эришиш мўлжалларини йўқотиб қўйиши мумкин. Бу масалада фақат шахс даражасидаги оддий омилларнигина қайд этишнинг ўзи етмайди, балки бундай ҳолда тарбиявий фаолиятни ташкил қилиш ва уни

бошқаришнинг турли шакллари ҳам ҳисобга олинishi лозим бўлади. Бу соҳадаги қонуният шундайки, бир миллатга мансуб аксарият шахсларга тегишли стереотиплар сақланиши ёки сийқаланиши оқибатида ёшлар орасида ушбу соҳадаги кадриятларнинг қадрсизланиши ва унинг дарз кетиши жараёни рўй беришидан далолат беради.

Буларнинг барчаси, кўплаб омиллар билан бирга, мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия беришда ғоявий-маърифий ишлар самарасини кўрсатади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008.
  2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015.
  3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 11 январда Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нуткидан // Халқ сўзи. 2018, 12 январь.
- Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 23 май, <http://www.president.uz/uz/lists/view/9661/4>

#### РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада кадрлар тайёрлаш сиёсатининг фуқаролик жамияти барпо этишдаги ўрнини кўрсатиш учун Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов ва Президенти Шавкат Мирзиёев асарларида илгари сурилган ғояларга алоҳида эътибор қаратилди.

**Калит сўзлар.** Кадрлар тайёрлаш сиёсати, таълим-тарбия, мафкура, миллий кадриятлар, тарихий хотира, замонавий кадрлар.

#### РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируются идеи, выдвинутые в работах первого Президента И.Каримова и президента Ш.Мирзиёева, о важности кадровой политики в становлении гражданского общества.

**Ключевые слова:** Образование, воспитание ценности, политика подготовки кадров, идеология, современные кадры.

#### RESUME:

This article analyzes the ideas put forward in the works of the First President I.Karimov and the incumbent president Sh.Mirziyoyev, on the importance of personnel policy in the development of civil society.

**Keywords:** Education, upbringing of values, personnel training policy, ideology, modern personnel.

**ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ИРРИГАТОРЛАР  
ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИ**

А.Равшанов,  
ТИҚХММИ катта ўқитувчиси

Ота боболаримизнинг азалий макони бўлган Ўзбекистонимизда энг қадим замонлардан бугунги кунгача инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўплаб соҳалар ва касблар сув билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожлангани маълум. Бу ўз навбатида, ушбу соҳа учун ўз ишининг устаси бўлган мохир деҳқонлар, тажрибали мироблар, меҳнаткаш сувчиларга эҳтиёжнинг доимо ката бўлганини англатади. Асрлар давомида бу борадаги билимлар сайқалланган, даврлар синовига бардаш берган кўникмалар ва малакалар шаклланиб ва такомиллашиб борган.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ирригация, кишлок хўжалигини механизациялаш ва мелиорация соҳасида кадрлар тайёрлаш сиёсатининг тарихан мустақкам асосга таянганини яққол исботлайди. Бу борада Марказий Осиёнинг тунғич олий таълим даргоҳи бўлган ТИҚХММИнинг айнан бизнинг мамлакатимизда, Тошкентда 1934 йилда ташкил этилиши ва фаолияти эса ушбу сиёсатни амалга оширишнинг ўтган аср бошларидаги яққол намунаси бўлгани шубҳасиз.

Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ва ривожланишнинг янги босқичига чиқаётган Ўзбекистонда кишлок хўжалигини мелиорациялаш ва ирригация тизимлари такомиллашуви, малакали ирригатор кадрлар тайёрлаш мавзуини илмий ёритишда ўтмиш аждодларимизнинг фалсафий-илмий мероси муҳим манба бўлиб саналади. Жумладан, “Авесто” китоби, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ибн Халдун каби алломаларнинг асарлари ҳам бу борадаги мумтоз манбалардир. Хусусан, уларнинг асарларида ҳар бир инсон тарбияси ва камолоти, унинг етук шахсга айланишининг асосий омиллари, давр эҳтиёжлари ва уларнинг ўсиб бориш қонуниятлари ҳақида муҳим фикрлар баён қилинган.

Ушбу мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи шундан далолат берадики, унинг турли жиҳатлари ва хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Йел университети, Гарвард, Колумбия университетлари (АҚШ), Гумбольд университети (Германия), Сарбонна университети, Париж Ижтимоий фанлар Олий мактаби (EHESS, Франция), Шарк ва Африка тадқиқотлари мактаби (SOAS, Англия), Темирязов номидаги Москва кишлок хўжалиги университети, Россия ФАнинг Сув муаммолари институти, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва бошқа илмий марказларда олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ёшларга доир давлат сиёсати, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш билан боғлиқ масалалар таҳлилига бағишланган докторлик диссертацияси доирасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Уларлар орасида М.Юлдашев, З.Қодирова, Э. Бобомуродов, С.Жўраев, Ф.Равшанов, Қ.Қуранбоев, Г.Тўленоваларнинг изланишлари ва илмий ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу йўналишдаги баъзи номзодлик диссертациялари доирасида ҳам ёшларга доир турли мавзуларда тадқиқотлар олиб борилган. Ёшлар қатлами, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир айрим масалалар Н.Темирова, Ш. Эрматов, Т. Қурбонов, Р. Қурбонов, Д. Раҳимова, Г. Тиллаева каби тадқиқотчиларнинг номзодлик диссертацияларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ш. Эрматовнинг номзодлик ишида мамлакатимиз кишлок ёшларининг сиёсий жараёнларда қатнашуви натижалари, бу борадаги муаммолар ва ечимларга эътибор қаратилган. Ўзбекистон таълим тизимида ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишнинг ўқув-услугий масалаларига оид баъзи адабиётлар С.Мамашокиров, М.Лафасов, А.Хукумов ҳамда Н.Жўраев, Ш.Азизовлар қаламига мансуб. Сиёсатшунос олим Л.Х. Тангриев 2001 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясида “Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси”ни ўзининг тадқиқот мавзуи сифатида танлаган.

Аммо мазкур ишларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда таъкидлаш жоизки, уларнинг бирортасида ҳам бизнинг диссертациямиз мавзуси махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Шу маънода, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясига таяниб олиб борилаётган бунёдкорлик фаолияти жараёнида маънан баркамол ёш мутахассисларни, жумладан иқтидорли ва юксак малакали ирригаторларнинг янги авлодини вояга етказишга оид давлат сиёсати билан боғлиқ мавзуни бевосита махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, шу асосда амалиёт учун зарур бўлган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистонлик олимлар Ў.Умурзаков, Н.Эгамбердиев, Р.Сангиров, А.Салоҳиддинов, С.Маматов, Р.Эргашев, Б.Ҳасанов, А.Бобожонов, Р.Ҳакимовларнинг мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларини барқарор ривожлантириш, мавжуд сув ресурсларини рационал бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган юксак малакали ирригатор кадрлар тайёрлаш тизимини муттасил такомиллаштириб бориш масалаларига оид илмий изланишлари мавжудлиги ва уларнинг тадқиқотимиз учун муайян манба бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Айни пайтда, муаллиф иштирок этаётган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Давлат илмий-тадқиқотлар Дастури доирасидаги ПЗ-20170930170- сонли гранти бўйича 2018-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонда сувга муносабат, халқимизнинг экологик ва ижтимоий тафаккурининг янгиланиш механизмларини такомиллаштириш” мавзудаги илмий изланишлар натижалари ҳам тадқиқотимиз учун бевосита манба бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон XX аср ниҳоясида, яъни 1991 йилда мустақилликка эришди. 1992 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди, дунёвий тараққиёт йўлини танлади. Шу аснода мамлакатимизни тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш тамойиллари ҳаётга изчил жорий этила бошланди. Мамлакатимизнинг мустақил давлат бўлиб тараққий этиши муносабати билан ўтган йиллар мобайнида республика ҳаётида чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ўзгаришлар рўй берди. Бундай жиддий аҳамиятга молик ўзгаришлар ва янгиланишлар ирригатор кадрлар тайёрлаш бўйича ягона олий ўқув юрти бўлган Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳаётида ҳам кескин бурилиш, янги давр шаклланиши учун асос бўлди.

Истиқлол даврида ирригатор кадрлар тайёрлаш фаолиятини даврийлаштириш нуқтаи назаридан, бу босқични институт ҳаётидаги туб ўзгаришлардан келиб чиқиб, қуйидаги 3 даврга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- а) 1991-2002 йиллар, яъни истиқлолга эришилган дастлабки йиллар, ўша даврдаги муҳим ўзгаришлар ва бошқалар назарда тутилади;
- б) 2003-2016 йиллар, яъни ушбу даргоҳнинг Тошкент ирригация ва мелиорация институти сифатида фаолият олиб борган даври;
- в) 2017 йилдан шу кунгача, яъни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти қайта ташкил этилиши ва фаолияти.

Бу даврларнинг ҳар бири институт ҳаётида муҳим ўринга эга ва унинг тарихидан мустаҳкам жой эгаллайди.

Истиқлолнинг илк босқичи ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки йилларидаги баъзи иқтисодий қийинчиликларга қарамай, институт қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси бўйича муҳандис кадрлар тайёрлашда кўплаб ижобий натижаларга эришди. Айни шу даврда Таълим тўғрисидаги, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисидаги, Ер кодекси, Фермер хўжаликлари тўғрисидаги, Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Қонунлар, Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти қабул қилинди. 2 босқичли олий таълим тизимига ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги муносабати билан илмий- текшириш ишларининг 1991-1995 йиллар учун мўлжалланган режалари тузилди. Кейинги йилларда бу режалар асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш давом этди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Республикаимизнинг бозор иқтисодиёти томон юз тутиши сабабли ерга муносабатларнинг ўзгараётганлиги ўқув режаларини қайта кўриб чиқишни, шу билан бир қаторда янги ихтисосликларни очишни талаб қилди.

Бўлажак муҳандисларнинг билими институт ўқув хоналари ва диплом олди амалий машғулотида мустаҳкамланиб борилди. Мазкур машғулотлар асосан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Киров номи давлат хўжалиги ерларидан 2471 гектар ер ажратилиб ташкил қилинган Тошкент ирригациялаш ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари ўқув-тажриба хўжалигида ўтказилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида институт ходимлари юксак муваффақиятларни қўлга киритдилар, мустақил Ўзбекистон республикасининг иқтисодий, илмий-техник ўсишига муайян ҳисса қўшдилар. Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида олиб борди ва бу даврда институтнинг моддий-техника ва ўқув базаси янада мустаҳкамланди, мутахассислар тайёрлаш услублари ўзлаштирилди профессор-ўқитувчилар тизимининг ҳамда талабаларнинг маданий-маиший шароити яхшиланди. 1991-1994 йилларда институт ўқув фаолияти ва лабораториялар учун зарур бўлган тўққиз қаватли бино қурилиб, ишга туширилди, бешта ётоқхона, 221 хонали тўртта яшаш уйлари, 500 киши овқатланадиган ошхоналар қурилди.

Институт замонавий ўқув ва илмий-тажриба, моддий манбага, умумий фойдаланиладиган майдони 110 минг кв.м. бўлган ҳашаматли ўқув-амалий бўлинмалари жойлашган биноларга эга бўлди. Ана шу тажриба лабораториялари бугунги кун талабига жавоб бера оладиган асбоб-ускуналар бадан жиҳозланди. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида ҳозирги замон компьютер тизими қўлланила бошлади. Синовдан ўтказилган беш тизимлар тўплами ишлаб чиқилиб (АСУ-ВУЗ) тадбиқ этилди.

Талабаларнинг ҳар томонлама, умумилмий ва махсус тайёргарликларини яхшилаш мақсадида 1991 йили Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғига биноан институтда Умуммуҳандислик ўқув маркази (УМЎМ), Ирригация муҳандислари тайёрлаш ўқув-илмий маркази (ИМТЎИМ) ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари тайёрлаш ўқув-илмий маркази (ҚХММТЎИМ) ташкил топди. Марказлар билан бир қаторда Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, Ер тузиш, Сув хўжалиги иқтисоди ва уни ташкил этиш факультетлари тузилди. Ўрта бўғин мутахассисларига бўлган эҳтиёж катта бўлганлиги сабабли институтимизда 1992 йили фермерлар тайёрлайдиган махсус бўлим ташкил этилди.

1994 йилда институтдаги 50 кафедрада фаолият кўрсатаётган олимлар қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида фан-техника жараёнини юксалтириш учун Илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу кафедраларда 643 та юқори малакали педагоглар фаолият кўрсатдилар. Профессор-ўқитувчилар таркибида 43 профессор, 319 фан номзодлари -доцентлар бор эди.

Рейтинг тизими асосида баҳолашнинг жорий этилиши ўқув жараёнини жадаллаштиришга ва талабалар билимини одилона баҳолашга олиб келди. Диплом лойиҳаларининг сифат кўрсаткичи сезиларли даражада яхшиланди. 1993 йили 1422 диплом лойиҳасидан 48,28 фоизи "яхши" баҳога химояланган бўлса, 26,97 фоизи "аъло"га баҳоланди.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йили ичида 14 та ихтисослик бўйича 876 аспирант аспирантурада ўқиди. Мелиорация ва суғорма деҳқончилик ҳамда Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўйича институтда докторлик ҳамда номзодлик диссертациялари ёқлаш учун Махсус Кенгаш ишлашни бошлади. 1993 йили 28 диссертация ёқланган бўлса, шундан 3 таси докторлик диссертациясидир.

Истиқлол давридаги ўзгаришлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикамизнинг келажаги, унинг ҳар томонлама тараққий этиши мутахассисларнинг маънавий баркамоллиги, зукколиги ва етук малакага эга эканлигига боғлиқ бўлди. Бу ўз навбатида ўқув тизимининг тубдан ўзгартирилиши, шунингдек олий ўқув юртигача бўлган тайергарликни кучайтиришни талаб этарди. Шунинг учун, абитуриентлар ўқуви сифатини яхшилаш мақсадида институт қошида икки йиллик лицей ташкил этилди.

1993 йили ТИҚХММИ қошида "Интернешнл-Хаус-Ўзбекистон" (ИХУ) деб номланган янги йўналишдаги умумтаълим мактаби иш бошлади. Бу мактаб ўз фаолиятини ватанимиздаги ва чет эллардаги диққатга сазовор бўлган тажрибаларни амалда қўллаб келмоқда. ИХУ таълими йўналишга умумий таълим фанлари, иқтисод ва ҳуқуқ асослари, инглиз тилини ўрганиш ва компьютер билан ишлашга тайёрлаш кабилар киради. ЭХМлардан ўқув жараёнида кенг фойдаланиш талабалар ўзлаштиришининг кескин суръатда ошишига олиб келди. Ўқув марказларида ва факультетларда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфлар ташкил этилди.

Бу даврда профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини оширишга катта аҳамият берилди. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 5 июндаги 270-сонли Қарорига асосан 2-3 йилда бир маротаба Тошкент техника университети қошидаги олий муҳандис-педагоглар институтида ва Тошкент давлат университети қошидаги малака ошириш институтида, булардан ташқари ўқитувчиларнинг қолганлари илмий-тадқиқот институтларида ҳамда илғор хўжаликларда билим-савияларини оширишлари тизими шаклланди. Институт муҳандис кадрлар тайёрлаш марказигина эмас, балки ирригация ва мелиорация, қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш, иқтисоди, ер ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда илмий марказ бўлиб ҳам хизмат қилди.

1991 – 1999 йиллар давомида институт ходимларидан 104 киши номзодлик, 11 киши докторлик диссертацияларини ёқлашди. Шу йилларда 34 та монография чоп этилди, улардан биттаси "Фан тарғиботи учун" медали ва пул мукофоти билан тақдирланди. Институт олимларининг беш иши ХХЮКнинг кумуш медали билан, саккизтаси эса, дипломлари билан тақдирланди. 15 дарслик ва 43 ўқув қўлланмалар нашр этилди. Шунингдек, шу йиллар давомида институтда жуда катта илмий салоҳият вужудга келганлиги туфайли бир нечта соҳа илмий лабораторияларини очишга имкон туғилди. Бу лабораториялар ёрдамида илмий-тадқиқот ишларини кенг қамровли мақсадли



йўналишларда ўтказиш амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида илмий салоҳиятни халқ хўжалиги учун зарур бўлган муҳим муаммоларга қаратишга имкон берди.

Мазкур жараёндаги асосий вазифалардан бири таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўлди.

Бугунги кунда бутун жамиятимиз ва барча таълим муассасалари каби, ТИҚХММИ ва унинг филиаллари учун ҳам юксак тараққиётга эришиш борасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини янада яхшилаш, мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим муассасаларини ўқув ва ёрдамчи адабиётлар билан етарлича таъминлаш ва билимларни талабаларга етказишнинг мустаҳкам тизимини яратиш ҳамда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борадаги фаолиятда ёш авлод маънавиятини тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим–тарбия тизимини такомиллаштириш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига кўтариш мақсадига катта аҳамият берилмоқда. Ушбу йўналишда халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш ишларнинг муҳим шартидир.

Буларнинг барчаси қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини салоҳиятли, рақобатбардош кадрлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилаётганидан далолат беради. Бу борада ўқув-тарбия, ўқув-тажриба жараёнини дала майдонлари (полигонлар)да, хўжаликларда, корхоналарда ўтказиш, ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан тўла таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғига уланадиган тармоқ билан тўлиқ қамраб олишни ва бошқа талабларни сифатли бажарилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ҳамдв 2018 йил 8 майдаги Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>. // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 8 май
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -173-бет
3. Ўлжаева Ш., Хақимова М. Ўзбекистонда ирригация ва сув ресурслари: тарихи ва истиқболлари, – Тошкент, 2019.

### РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимизнинг янгилиниши жараёнида етук ирригатор кадрлар тайёрлаш масалалари қисқа таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** мустақиллик, мустақиллик илк йиллари, мамлакатимизнинг янгилиниши, етук ирригаторлар, кадрлар тайёрлаш

### РЕЗЮМЕ:

В данной статье в кратце рассматриваются вопросы по подготовки кадров – современных ирригаторов в первые годы независимости.

**Ключевые слова:** независимость, первые годы независимости, обновляющие страны, квалифицированные ирригаторы, подготовка кадров.

## ЁШЛАР - МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРНИ СИНГДИРИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Г.М.Абдураззоков  
ТермизДУ ўқитувчиси

## МУНДАРИЖА:

<b>Усмонов М</b>	<i>Янги Ўзбекистон ва адолатли фуқаролик жамияти</i>	2
<b>Туйчиев Б.Т</b>	<i>Сравнительный анализ философии Платона и Аристотеля (на примере учений об идее)</i>	5
<b>Назаров Қ.</b>	<i>Янги Ўзбекистон феномени</i>	9
<b>Агзамходжаева С.</b>	<i>Янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган ислохотларнинг</i>	13
<b>Кубатов Ш.</b>	<i>маънавий мезонлари</i>	
<b>Хўжамуродов И.Р.</b>	<i>Исломининг миллий ўзликни англашга таъсири</i>	16
<b>Абдухалилов А.А.</b>	<i>Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришида олий таълим тизимини такомиллаштириши механизмлари</i>	20
<b>Аминова Н</b>	<i>Маънавият ва иймон уйғунлиги</i>	23
<b>Иззетова Э.М.</b>	<i>Философский анализ человеческого капитала как основы развития современного общества</i>	26
<b>Степанова О.И</b>	<i>Преподавание логики как необходимое звено в формировании самостоятельного критического мышления студенческой молодежи</i>	30
<b>Ли Е.В</b>	<i>Философский анализ понятий эмерджентность и синергия</i>	33
<b>Атавуллаев М.</b>	<i>Ҳуқуқий кадриятлар - жамият барқарорлигининг асоси</i>	36
<b>Хайдаров М.М.</b>	<i>Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиши муаммолари</i>	39
<b>Тиллаволдиева М.Х.</b>	<i>Глобаллашув жараёнида миллий тараққиётнинг ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар диалектикаси</i>	43
<b>Аллаяров О.</b>	<i>Ўзбекистонда интернет технологияларни ривожлантириши сиёсати</i>	47
<b>Мадумарова З.</b>	<i>Реклама тили ривожланишида тижорат терминологиясининг ўрни</i>	51
<b>Махмудова М. Д</b>	<i>Кейс-менеджмент в социальной работе с семьёй</i>	54
<b>Зантов Э.Х</b>	<i>Институционал муассасаларда тарбияланаётган болаларга нисбатан стереотипга айланган стигмаларнинг шаклланиши</i>	58
<b>Зонрова М.</b>	<i>Ғарб ижтимоий-сиёсий тафаккурида жамоатчилик назоратига доир қарашлар ривож</i>	61
<b>Инагамова М.М.</b>	<i>Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишида ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги</i>	64
<b>Мухаметшин Р.,</b>	<i>Ҳарбий педагог кадрлар малакасини ошириши ва ахборот-методик таъминот ресурслари</i>	68
<b>Маматқулов Х.А.</b>	<i>Ўзбекистонда ижтимоий шериклик моделининг ривожланиши хусусиятлари</i>	71
<b>Нишанбаева Э.</b>	<i>Ахборотлашган жамиятда сунъий интеллект ва ёшларнинг ахлоқий қарашлари</i>	77
<b>Абдухалилов А.</b>		
<b>Тошбобоев М. Ж.</b>		
<b>Сапарова Г.</b>	<i>Миллий онг – миллий ўзликни англаш омили</i>	80
<b>Хайтметов Р.К.</b>	<i>Дунёқараш диалектикаси</i>	83
<b>Тошбобоев А.Ж.</b>	<i>Глобаллашув даврида маънавий таҳдидларнинг кўринишлари</i>	87
<b>Бексариев Х.Қ.</b>	<i>Афв этиши институтининг шаклланишида давлатнинг роли</i>	90
<b>Дилмуродов И.</b>	<i>Халқаро муносабатларни тартибга солишининг ҳуқуқий муаммолари</i>	94
<b>Холмахматов А.Х.</b>	<i>Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишида янги ўзбекистон гоёсининг аҳамияти</i>	97
<b>Қаршиев Ш</b>	<i>Миллатлараро тотувликни таъминлашида фуқаролик жамияти институтлари ўрни</i>	101
<b>Акрамов Ж.</b>	<i>Иновация – сиёсий тадқиқот объекти</i>	105
<b>Абдувалиева М.А.</b>	<i>О состоянии инвалидности в республике Узбекистан</i>	109
<b>Сабинова У.Ф.</b>	<i>Удовлетворенность работодателей как показатель качества высшего образования</i>	113
<b>Қаюмов Қ.Н.</b>	<i>Ногиронлиги бор болаларни ижтимоий интеграциясида мослашув марказларнинг фаолияти</i>	116
<b>Тургунова Н.Т</b>	<i>Ёшлар тарбияси - барқарор тараққиётни таъминлаш омили</i>	120
<b>Акрамов Х.Ф.</b>	<i>Шарқ ва Ғарб кадриятлар тизимида социал капитал тавсифи ва унинг қиёсий таҳлили</i>	124
<b>Кучкаров Х.З.</b>	<i>Жиноят процессида назорат инстанция суди ваколатларини такомиллаштириши</i>	128
<b>Мамадиева Н.Х.</b>	<i>Тасаввуф фалсафасида комил инсоннинг ахлоқий моҳияти</i>	133

<b>Толипов А.А</b>	<i>Ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни</i>	137
<b>Тошполатова Ш.</b>	<i>Инсоннинг маънавий – ахлоқий фазилатларини шакллантиришида ҳадисларнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил)</i>	141
<b>Равшанов А. С.</b>	<i>Кадрлар тайёрлаш сиёсати – фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартли</i>	144
<b>Хайтов Э.Б</b>	<i>Истиқлолнинг бугунги даври ва маънавий соҳадаги ислохотларнинг устивор тамойиллари</i>	147
<b>Ҳамраев С.А.</b>	<i>Тадбиркорларда миллий қадриятларга содиқлик туйғусини шакллантиришининг устивор омиллари</i>	151
<b>Соқиев Х.В.</b>	<i>Ахборотлашган жамиятда идентиклик омили</i>	155
<b>Амиров А.О.</b>	<i>Фрэнсис Фукуяманинг ижтимоий-фалсафий қарашлари таҳлили</i>	159
<b>Шербобоев М. А.</b>	<i>Карл Поппер илмий рационаллик тўғрисида</i>	163
<b>Туляев А.И.</b>	<i>Виртуал ахборот маконидаги таҳдидлар ва уларни олдини олиши зарурияти</i>	166
<b>Ахмедов Ҳ.</b>	<i>Жамият маънавий муҳитини соғломлаштиришида диний маърифатнинг ўрни</i>	169
<b>Султонова С. Ю.</b>	<i>Ҳозирги замон халқаро терроризми - глобал хавф омили</i>	172
<b>Амридинова Д.Т.</b>	<i>XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги маърифатпарварларнинг инсонпарварлик гоялари</i>	175
<b>Нишонбоева Г.Ж.,</b>	<i>Ўзбекистон маданияти ривожининг замонавий омиллари</i>	178
<b>Холбоева Г.</b>	<i>Мустақил тараққиёт ва миллий тафаккур</i>	183
<b>Ўринбоев Д</b>	<i>Янгиланаётган Ўзбекистон ва унинг тараққиёт стратегияси</i>	188
<b>Эргашев У.</b>	<i>Аҳмад Тошкўпризоданинг “Мавдуот ал-улум” асарида келтирилган диний илмлар таснифи</i>	193
<b>Ҳайдаров К</b>	<i>Ўқитувчи – маънавият тимсоли</i>	196
<b>Мажидов О.</b>	<i>Ҳозирги даврда маънавий юксалиш, диний бағрикенглик ва жамиятимиз ҳаётининг янгиланиши</i>	200
<b>Равшанов А.</b>	<i>Истиқлолнинг дастлабки йилларида замонавий ирригаторлар тайёрлаш сиёсати</i>	204
<b>Абдураззоқов Г.</b>	<i>Ёшлар - мафкуравий омилларни сингдириши объекти сифатида Таҳдидбардошликни шакллантиришининг умумбашиарий омиллари</i>	208
<b>Дармонов А.</b>	<i>(фалсафа фанлари номзоди, доцент Маматхон Шарипович</i>	212
<b>Алвидо устоз!</b>	<i>Шариповга бағишланган некролог)</i>	216